

**“ЎЗАГРОЭКСПОРТБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
БАНКИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИНГ
БАЁННОМАСИ**

2021 йил “15” 10
соат

№ 11

Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 79А-уй.

Кун тартиби:

1. “Ўзагроэкспортбанк” АТБнинг 2021 йил III-чорак фаолияти яқунлари ҳамда 2021 йилги бизнес-режаси параметрларини ижроси ва банкнинг стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги банк Бошқарувининг ҳисоботи.
2. “Ўзагроэкспортбанк” АТБ томонидан 2021 йил III-чоракда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва банк ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги Тафтиш комиссиясининг хулосасини кўриб чиқиш.
3. “Ўзагроэкспортбанк” АТБ Банк ликвидлилиги ҳамда актив ва пасивларни бошқариш қўмитаси томонидан 2021 йил III-чорак яқунлари бўйича амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш, Банкнинг ликвидлик позицияларига амал қилиниши муҳокамаси.
4. “Ўзагроэкспортбанк” АТБ Таваккалчиликни назорат қилиш қўмитаси томонидан 2020 йил III-чорак яқунлари бўйича амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан банк Бошқаруви раиси Н.Р. Алимов томонидан банкнинг 2021 йил III-чорак фаолияти яқунлари ҳамда 2021 йилга бизнес-режаси параметрларини ижроси ва банкнинг стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берилди.

Хусусан, банкнинг 2021 йил III-чорак яқунлари бўйича бизнес-режага асосан белгиланган параметрларнинг ижроси бўйича ҳисобот даврида қўйидаги кўрсаткичларга эришилди:

Банкнинг жами соф активлари 2021 йил 1 октябрь ҳолатига 70,1 млрд. сўмни ташкил этади. Шу билан бир қаторда банкнинг мажбуриятлари ҳисобот даврига 4,0 млрд. сўмни ташкил қилди.

Банкнинг жами капитали ҳисобот санасига 66,2 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан Марказий банк талабига биноан активлар учун захиралар яратилиши натижасида 13,6 млрд. сўмга камайган.

Банкнинг устав капитали ҳисобот санасига 70,9 млрд. сўмни ташкил этиб, Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддаси талабларига жавоб бермайди.

Банкнинг 2021 йил 1 октябрь ҳолатига бизнес-режасига асосан соф фойда режаси 2,6 млрд.сўм белгиланган бўлиб, ҳисобот даврига Марказий банк талабига биноан активлар учун захиралар яратилиши натижасида 16,8 млрд.сўм зарар билан яқунлаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб банк Бошқаруви раиси Н.Р.Алимовнинг кун тартиби бўйича берган ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш таклиф этилди ҳамда овозга қўйилди.

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб кун тартибидаги масала юзасидан банк Кузатув кенгаши томонидан **қарор қилинди:**

1. “Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг 2021 йил III-чорак фаолияти яқунлари ҳамда 2021 йилга бизнес-режаси параметрларини ижроси ва банкнинг стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги банк Бошқаруви раиси Н.Алимовнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Банк бошқарувининг муаммоли кредитлар, пандемия оқибатида вужудга келган муаммоли, муддати узайтирилган кредитларни сўндириш ҳолати ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар ва уларни ундириш борасидаги ишлари кониқарсиз деб баҳолансин.

3. Банк Бошқарувига:

- қайтарилиши белгиланган барча кредитлар бўйича мижозбай ишлаган ҳолда уларни қайтариш чораларини кўриш;

- ҳисобланган фоизли даромадларни ўз вақтида ундириб, улар бўйича муддати ўтган фоизли даромадларнинг вужудга келишини олдини олиш чораларини кўриш;

- жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ва микроқарзларни ўз вақтида ундириш;

- кредитларнинг қайтмаслиги натижасида банк балансига гаровга олинган мол-мулкларни сотиш бўйича ишларни жадаллаштириш;

- кредитларни таснифлаш натижасида банк фойдаси ҳисобидан яратилган захираларни, захира ажратилган кредитларни тезкорлик билан ундириш йўли билан қайтариш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Тафтиш комиссия раиси У.А.Турсунов мажлис иштирокчиларини “Ўзагроэксспортбанк” АТБ томонидан 2021 йил III-чоракда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги шунингдек қонун ҳужжатларининг ва банк ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳулосаси билан таништирди.

Кун тартибидаги масала бўйича тақдим этилган Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор қабул қилиш таклиф этилди ва овозга қўйилди:

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб кун тартибидаги масала юзасидан банк Кузатув кенгаши томонидан **қарор қилинди:**

“Ўзагроэксспортбанк” АТБ Тафтиш комиссиясининг банк томонидан 2021 йил III-чоракда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги шунингдек қонун ҳужжатларининг ва банк ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибдаги учинчи масала юзасидан Банк ликвидлиги ҳамда актив ва пасивларни бошқариш қўмитаси раиси Н.Алимов томонидан банкнинг 2021 йил III-чорак яқунлари бўйича қўмита томонидан амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида ҳисобот берилди.

Хусусан, 2021 йилнинг 9 оyi давомида Қўмита томонидан 22 мартаба йиғилишлар ўтказилган. Ўтказилган қўмита йиғилишларида тижорат банкларига хорижий ва миллий валютада маблағларни депозитга жойлаштириш, жалб қилиш, қайтариш, банк ликвидлигига шунингдек юқори ликвидли активларга қўйилган талабларга амал қилиниши ва уни бошқариш бўйича чоралар кўриш, банк баланси таҳлиллари, мижозлар учун банк хизмат ҳақларини белгилаш масалалари кўриб чиқилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, банк Ликвидлик қўмитаси раиси Н.Р.Алимов томонидан банкнинг 2021 йил III-чорак яқунлари бўйича Ликвидлик қўмитаси томонидан амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботи бўйича қарор қабул қилиш таклиф этилди ҳамда овозга қўйилди.

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб кун тартибдаги масала юзасидан Банк кенгаши томонидан **қарор қилинди:**

1. “Ўзагроэксспортбанк” АТБ Банк ликвидлиги ҳамда актив ва пасивларни бошқариш қўмитаси раиси Н.Алимов банкнинг 2021 йил III-чорак яқунлари бўйича қўмита томонидан амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзагроэксспортбанк” Банк ликвидлиги ҳамда актив ва пасивларни бошқариш қўмитаси зиммасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган ликвидлик меъёрларига, хусусан, жорий ликвидлик, лаҳзали ликвидлик, ликвидликни қоплаш ҳамда соф барқарор молиялаш кўрсаткичларининг миллий ҳамда хорижий валютадаги меъёрларига амал қилинишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибдаги тўртинчи масала юзасидан Таваккалчиликни назорат қилиш қўмитаси томонидан банкнинг 2021 йил III-чорак яқунлари бўйича ушбу қўмита томонидан амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида ҳисобот берилди.

Хусусан, ҳисобот даврининг ҳар чораги якуни бўйича “Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг Банк таваккалчиликларини камайтириш, бартараф этиш ва олдини олиш ҳамда Банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Таваккалчилик менежменти бошқармасининг ҳисоботи кўриб чиқилди.

Шунингдек “Ўзагроэксспортбанк” АТБ томонидан банклараро депозитлар жойлаштириш мақсадида, маҳаллий банкларга нисбатан лимитлар ўрнатилди.

Банкда замонавий дастурий таъминотларни жорий қилиш орқали банк хатарларини узлуксиз мониторинг қилишни таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб банк Таваккалчиликни назорат қилиш қўмитаси томонидан банкнинг 2021 йил III-чорак яқунлари бўйича ушбу қўмита

томонидан амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботи бўйича қарор қабул қилиш таклиф этилди ҳамда овозга қўйилди.

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб кун тартибидаги масала юзасидан Банк кенгаши томонидан **қарор қилинди:**

1. “Ўзагроэксспортбанк” АТБ Таваккалчиликни назорат қилиш қўмитаси банкнинг 2021 йил III-чорак яқунлари бўйича ушбу қўмита томонидан амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Банк таваккалчиликларини назорат қилиш қўмитаси, Банк бошқаруви ҳамда банкнинг таваккалчилик менежменти бошқармасига Банк секторини ислох қилиш шароитида таваккалчиликларни бошқаришнинг самарали механизмини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштирсин.

3. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Банк бошқаруви риск менежмент тизимини такомиллаштириш юзасидан Марказий банк томонидан берилган тавсияларнинг бажарилишини назоратга олсин.

4. Банк Бошқаруви томонидан банкнинг Таваккалчиликни назорат қилиш қўмитаси ҳисоботида кўрсатилган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф қилиниши чоралари кўрилсин ҳамда Банк кенгашига амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берилсин.

Мажлис котиби

2021 йил “15” 10

ASLIGA TO'G'RI

Ж.С.Юнусходжаев

| | |
|---------------|--|
| 11.11.2021 й. | Қўмитанинг ахборот берилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи |
| 11.11.2021 й. | Қўмитанинг ахборот берилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи |
| 11.11.2021 й. | Қўмитанинг ахборот берилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи |
| 11.11.2021 й. | Қўмитанинг ахборот берилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи |
| 11.11.2021 й. | Қўмитанинг ахборот берилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи |